

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича
ШАРТНОМА № 2022/33

Жиззах шаҳри

2022 йил «31» август

Жиззах вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” Инжиниринг компанияси (кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор Х.Хасанов, бир томондан, ва «JIZZAKH GEODETC» масъулияти чекланган жамияти (кейинги уринларда «Ижрочи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор Б.Қосимов, иккинчи томондан, мазкур шартномани куйидагилар хақида туздилар:

1. Шартнома предмети.

1.1. Мазкур шартнома бўйича Ижрочи Буюртмачининг топшириғида белгиланган шартларга мувофиқ “Ш.Рашидов тумани “Ўзбекистон” ФХУ ҳудудида жойлашган 5 та 5 қаватли 115 та хонадонли уй-жойларни электр энергия билан таъминлаш” (АРТ, лойиҳа иши ва экспертиза хулосаси билан) объекти бўйича амалдаги қонунчиликнинг ишларнинг шундай турига қўйладиган талабларига жавоб берадиган ва фойдаланиш учун яроқли бўлган шаҳарсозлик ҳужжатларини (бундан кейинги матнларда “Лойиҳа” деб номланади) ишлаб чиқиш мажбуриятини, Буюртмачи эса техник топшириқ ва бирламчи маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиш ва тўлаш мажбуриятини зиммасига олади

1.2. Хизматлар курсатиш муддати:

Ишнинг бошланиши: 2022 йил 31 август;

Ишни якунлаш: 10 кун.

2. Шартнома бўйича ишлар қиймати ва ҳисоб-китоблар тартиби.

2.1. Мазкур шартнома бўйича ишлар қиймати 2022 йил 25 июлдаги лот № 137002 бўйича харид қилиш комиссияси баённомасига асосан ҚҚС билан **3 169 000 (Уч миллион бир юз олтмиш тўққиз минг)** сўмни ташкил этади.

2.2. Ишлар қиймати очикдир. Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати қарорига асосан ҳамда вазиятлар, материаллар нархлари, ишга ҳақ тўлаш шартлари тубдан ўзгарганда ва бошқа харажатлар туфайли ишлар қиймати мазкур шартномага қўшимча битим тузиш йўли билан ўзгартирилиши мумкин.

2.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар қийматини тўлаш Буюртмачи томонидан Ижрочининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан куйидаги тартибда амалга оширилади:

- мазкур шартнома имзолангандан кейин бир ой давомида ишлар қийматидан 30% олдиндан тўлов;
- кейинги тўловлар – босқичма-босқич, Лойиҳани қабул қилиш-топшириш юк хати имзолангандан сўнг 60 кун давомида, Лойиҳани асосланган рад этиш хати йўқ бўлган тақдирда.

2.4. Буюртмачи молия органи томонидан молиялаштириш очилмаганлиги сабабли олдиндан тўловни ўтказиш мажбуриятини бажармаса, Ижрочи қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

2.5. Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблағ молиялаштирилмаган тақдирда «Буюртмачи» тулов учун мажбуриятни зиммасига олмайди.

3. Ишларни топшириш-қабул қилиш тартиби.

3.1. “Ш.Рашидов тумани “Ўзбекистон” ФХУ ҳудудида жойлашган 5 та 5 қаватли 115 та хонадонли уй-жойларни электр энергия билан таъминлаш” (АРТ, лойиҳа иши ва экспертиза хулосаси билан) объекти бўйича лойиҳалаш ишларини бошлаш санаси сифатида куйидаги талабларни бажариш санаси ҳисобланади:

3.1.1. Лойиҳалашга топшириқни қонунчиликда ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ва келишиб олиш;

3.1.2. Тасдиқланган лойиҳалашга топшириқга ҳамда лойиҳалаш ишларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларга мувофиқ буюртмачи лойиҳалаш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тақдим қилиши;

3.1.3. Томонлар мазкур шартномага қўшимча ёзма битим тузиш йўли билан юқоридаги талабларни бажариш учун кетадиган вақтга мутаносиб равишда лойиҳалаш ишларини бажариш календар муддатлари сурилиши мумкин.

3.2. Ишлар тугаллангандан сўнг Ижрочи тайёр Лойиҳани ёки унинг қисмини Буюртмачига юк хати бўйича топширади, лойиҳалашга топшириқ ва мазкур шартнома шартларида кўзда тутилган Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим қилади.

3.3. Буюртмачи Лойиҳани олганидан кейин куйидагиларни амалга оширишга мажбур:

3.3.1. Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаганидан кейин 30 кун давомида Лойиҳани олиш ёки олишни рад этиш ва Ижрочиға рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни юбориш;

Адвокатское бюро «ALBINA NADEJDA»

адвокат А.Н. Скорняков

Лицензия, удостоверение

№ 00005...

3.3.2. Лойиҳани олишни рад этиш сабаблари кўрсатилган хат Ижрочига юборилгандан сўнг иккитомонлама далолатнома ёки қўшимча ёзма битим тузилади. Қўшимча ёзма битимда лойиҳадаги камчиликларни бартараф этиш ишлари рўйхати ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилади.

3.3.3. Буюртмачи Лойиҳани олишдан бош тортса (Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаса), рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни Ижрочига юбормаса, Лойиҳа Буюртмачига тақдим этилган вақтдан бошлаб унга топширилган ҳисобланади.

3.3.4. Агар Буюртмачи Лойиҳани текширмасдан қабул қилган бўлса, кейинчалик Лойиҳада шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлигини аниқласа, бундай камчиликларни Лойиҳани қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин қачиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддатда ёзма равишда огоҳлантириши ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

4.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

4.1.1. Лойиҳани тайёрлаш учун зарур бўладиган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотларни Ижрочига тақдим қилади.

4.1.2. Мазкур шартномада белгиланган миқдор ва тартибда ишлар қийматини Ижрочига тўлаб беради.

4.1.3. Ижрочидан олинган лойиҳадан фақат мазкур шартномада кўзда тутилган мақсад учун фойдаланиш, лойиҳани учинчи шахсларга бермаслик ва Ижрочининг розилигисиз ундаги маълумотларни ошқора қилмаслик.

4.1.4. Зарурат туғилганда лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқарорларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиш учун Ижрочини жалб этиш.

4.1.5. Бирламчи маълумотларни ўзгартириш ёки Ижрочига боғлиқ бўлмаган бошқа вазиятлар туфайли пайдо бўлган қўшимча харажатларни қоплаш (мазкур масала юзасидан томонлар дастлаб ўзаро келишиб ва қўшимча битимни имзолашгандан сўнг).

4.1.6. Тайёр лойиҳанинг камчиликлари сабабли учинчи шахс томонидан Буюртмачига тақдим қилинган даъво бўйича жараёнда иштирок этиш учун Ижрочини жалб қилиш.

4.2. Ижрочининг мажбуриятлари

4.2.1. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун Буюртмачи томонидан тақдим қилинган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талабларга риоя этиш, уларга мувофиқ ва ўзи шахсан лойиҳалаш ишларини бажариши, белгиланган тартибда муаллифлик назоратини олиб бориш ва ҳар 15 кун муддатда мунтазам равишда Буюртмачига маълумот бериш;

4.2.2. Буюртмачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлиги аниқланса, Буюртмачини шу тўғрисида зудлик билан ўрнатилган тартибда огоҳлантириш, Буюртмачидан кўрсатмалар олингунча ишни тўхтатиш. Буюртмачини ўз вақтида огоҳлантирмаган Ижрочи келгусида Буюртмачи томонидан даъво қилинганда ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлигини рўқач қилмаслиги керак.

4.2.3. Лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишишда Буюртмачи билан биргаликда иштирок этиш.

4.2.4. Мазкур шартномада белгиланган муддатда сифатли, қурилиш меъёрлари ва қоидалари талаблари ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартибини белгилайдиган бошқа қонунчилик ҳужжатларига жавоб берадиган тайёр Лойиҳани Буюртмачига топшириш.

4.2.5. Лойиҳа ишлаб чиқилишини учинчи шахсларга бермаслик.

4.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.3.1. Лойиҳадан фойдаланиш давомида унда камчиликлар борлиги аниқланса, Ижрочидан қуйидагиларни талаб қилиш:

- Ижрочи Лойиҳадаги камчиликларни ўз ҳисобидан талаб қилинадиган муддатларда бартараф қилиши;

- шартномавий қийматни шунга мувофиқ миқдорда камайтириш;

- Ижрочи Лойиҳадаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этмаганлиги сабабли Буюртмачининг пайдо бўлган молиявий зарарларини қоплаш;

- Лойиҳадаги камчиликлар жиддий ва уларни бартараф қилиш имконияти йўқ бўлса, Буюртмачи шартномани бекор қилиши ва барча кўрилган молиявий зарарлар қопланишини Ижрочидан талаб қилиш.

- «Ижрочи» ташкилотнинг айби билан лойиҳа ҳужжатларига қўшимча иш хажмлари ва харажатлар аниқланган тақдирда «Уздавархитектқурилиш» кумитасининг 24.06.2008 йилги 50-сонли буйруғи

билан тасдиланган ШНК 1.03.01-08 нинг 1.13.-банди 3-хатбошига асосан Бажарувчига туланган сумма тулик Давлат бюджети фойдасига олиб куйилади.

4.4. Ижрочи куйидаги хукуқларга эга:

4.4.1. Буюртмачининг ёзма рухсати билангина лойиҳалаштиришга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талаблардан чекиниш.

5. Томонлар жавобгарлиги.

5.1. Томонлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгардирлар.

5.2. Лойиҳа Буюртмачи томонидан қабул қилингандан кейин Ижрочи кафолатли муддат давомида (10 йил) Лойиҳанинг дастлабки камчиликлари ва Лойиҳадан фойдаланиш мобайнида аниқланган камчиликлари учун жавобгардир. Шунингдек, ушбу камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қилиши, агар камчиликларни бартараф қилиш имконияти бўлмаса, Буюртмачининг зарарларини тўлаб бериши керак.

5.3. Ижрочи Лойиҳадаги камчиликлар учун (ушбу камчиликлар аниқланган вақтга боғлиқ бўлмаган ҳолда) куйидаги ҳолларда жавоб бермайди:

- Буюртмачи Ижрочи билан келишиб олмасдан лойиҳалаш мобайнида Лойиҳага қўйилган талаблардан чекинса ёхуд лойиҳалашга топшириқдаги бирламчи маълумотларни ўзгартирса;

5.4. Молия органи томонидан молиялаштириш очилган бўлса ҳам Буюртмачи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида молиялаштирмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун ўтказилмаган тўлов суммасидан 0,4 % миқдоридан пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида ўтказилмаган тўлов суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.5. Ижрочи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида бажармаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун бажарилмаган ишлар суммасидан 0,5 % миқдоридан пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида бажарилмаган ишлар суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.6. Пеня ва зарарларни тўлаш шартномани бузган тарафни шартномадаги мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.7. Томонлар молиявий мажбуриятларни зиммаларига олмаган шарти билан, биринчи томон иккинчи томонни 30 кун аввал ёзма равишда огоҳлантириб, мазкур шартномани муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

5.8. Шартнома муддатидан илгари бекор қилинган ҳолда, шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиққан томон иккинчи томонга мазкур шартнома бўйича ишлар қийматидан 10 % миқдоридан жарима (неустойка) тўлайди.

6. Махфийлик.

6.1. Ҳар бир томоннинг фаолияти ёки томонлар билан боғлиқ шахснинг фаолияти тўғрисидаги ошқора қилинмайдиган барча маълумотлар махфийдир. Томонлар бундай маълумотларни бошқа шахсларга ошқора қилмасликлари, мазкур шартномани бажариш билан боғлиқ мақсадлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланмасликлари керак

7. Шартномани ўзгартириш ва тугатиш.

7.1. Мазкур шартноманинг 10.1-пунктида кўрсатилганидек, шартнома муддати тугаши билан томонларнинг шартномадаги мажбуриятлари тугайди.

7.2. Томонлар ўртасидаги ёзма келишувига асосан шартнома ўзгартирилиши ёки муддатидан илгари тугатилиши мумкин.

7.3. Мазкур шартномага қўшимча битим ёки келишмовчилик баённомаси кўринишидаги ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда қилинган ҳамда томонлар (ёки томонлар номидан вакиллар) имзоланганидан кейин юридик кучга эга бўлади.

7.4. Қонунчиликда ёки мазкур шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам мазкур шартнома ўзгартирилиши ёки тугатилиши мумкин.

7.5. Шартнома кучда бўлишини тугатиш томонларни шартномани бузганликлари учун жавобгарликдан озод қилмайди.

8. Низоларни ҳал этиш.

8.1. Мазкур шартноманинг матнида ечимини топмаган масалалар бўйича томонлар ўртасида пайдо бўлиши мумкин бўлган низолар ва турли талқинлар амалдаги қонунчилик асосида музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

8.2. Музокаралар ўтказиш йўли билан низолар ҳал этилмаса, ўрнатилган тартибда низолар Жиззах туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Жиззах вилояти ҳокимлиги
“Ягона буюртмачи хизмати” ИК
бош муҳандиси**

А.Сарибоев

2022 йил

**Жиззах вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” Инжиниринг
компаниясида ўтказилган танлов комиссияси аъзолари йиғилиш
БАЁНИ № 18**

2022 йил “ 30 ” август

Жиззах шаҳри

Жиззах вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” Инжиниринг компаниясининг 2021 йил 01 февралдаги №10-сонли буйруғи билан тасдиқланган комиссияси аъзолари куйидаги таркибда,

ҚАТНАШДИЛАР:

- А.Сарибоев - Вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси бош муҳандиси, комиссия раиси;
- Комиссия аъзолари:**
- А.Субханов - Лойиҳаларни бошқариш ва курилишни техник кузатиш бўлими бошлиғи;
- О.Очилов - Танлов савдоларини ташкил этиш ва хўжалик-шартнома муносабатлари бўлими бошлиғи;
- А.Тўхташев - Молиялаштириш, маркетинг, манзилли дастурларни тайёрлаш бўлими бошлиғи;
- Ж.Ҳасанов - Ҳисоб-китоб бўлими мутахассиси
- М.Алиев - Бирламчи рухсат берувчи, лойиҳа хужжатлари ва танлов хужжатларини тайёрлаш бўлими бошлиғи, комиссия котиби;

Кун тартиби:

Жиззах вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” Инжиниринг компанияси буюртмачилигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 июндаги 94-сонли раёсати мажлисининг баёнига асосан 2022 йил “Манзилли дастури”га киритилган “Ш.Рашидов тумани “Ўзбекистон” ФХУ ҳудудида жойлашган 5 та 5 қаватли 115 та хонадонли уй-жойларни йўл транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш” объектлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича ўтказилган харид қилиш комиссиясининг танлов баённомалари асосида тузиладиган шартномаларнинг Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли қонуни 62-моддаси талабларига мувофиқ тузилишини таъминлаш.

2022 йил 25 июль куни “Etender.uzex.uz” электрон портали орқали ўтказилган қуйидаги 3 та объект бўйича харид қилиш комиссиясининг танлов савдолари натижалари тўғрисида баённомалари расмийлаштирилган;

№	Объектнинг номи	ЛОТ рақами	Ғолиб лойиҳа ташкилоти	Ғолиб таклиф этган нарх
1	“Ш.Рашидов тумани “Ўзбекистон” ФХУ ҳудудида жойлашган 5 та 5 қаватли 115 та хонадонли уй-жойларни табиий газ билан таъминлаш” (АРТ, лойиҳа иши ва экспертиза хулосаси билан)	№138061	“Jizzakh Geodetic” МЧЖ	3 286 000
2	“Ш.Рашидов тумани “Ўзбекистон” ФХУ ҳудудида жойлашган 5 та 5 қаватли 115 та хонадонли уй-жойларни автомобил йўлларини қуриш” (АРТ, лойиҳа иши ва экспертиза хулосаси билан)	№136988	“Jizzakh Geodetic” МЧЖ	6 745 000
3	“Ш.Рашидов тумани “Ўзбекистон” ФХУ ҳудудида жойлашган 5 та 5 қаватли 115 та хонадонли уй-жойларни электр энергия билан таъминлаш” (АРТ, лойиҳа иши ва экспертиза хулосаси билан)	№137002	“Jizzakh Geodetic” МЧЖ	3 169 000

Комиссия котиби томонидан 3 та объектга лойиҳа ташкилотини танлаш бўйича ўтказилган танлов савдолари юзасидан 2 иш куни мобайнида комиссия аъзоларига ҳеч қандай шикоят келиб тушмаганлиги тўғрисида ахбороти ўқиб эшиттирилди.

Комиссия аъзоларининг фикр-мулоҳазаларини эшитиб ва ўрганиб чиққан ҳолда, танлов комиссияси

Қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 июндаги 94-сонли раёсати мажлисининг баёнига асосан 2022 йил “Манзилли дастури”га киритилган “Ш.Рашидов тумани “Ўзбекистон” ФХУ ҳудудида жойлашган 5 та 5 қаватли 115 та хонадонли уй-жойларни йўл транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш” объектлари объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича “Etender.uzex.uz” электрон портали орқали аниқланган лойиҳа ташкилоти “Jizzakh Geodetic” МЧЖ билан 3 иш куни ичида шартнома тузилиши мақсадга мувофиқ деб топилсин.

Йиғилиш баёни тўғри тузилган деб имзо қўювчилар:

А.Субханов

А.Тўхташев

О.Очилов

Ж.Ҳасанов

Комиссия котиби:
М.Алиев

